# ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ

## 2000 йилда амалга оширилган





**“Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак”, - деган эди Президент Ислом Каримов истиқлолнинг дастлабки йилларида. Ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлаган она юртимиз**

## 1. Мамлакатимиз салоҳиятининг намойиши



Ўтиб бораётган йилимизда кўпдан-кўп улуғвор ишлар амалга оширилди. Улар орасида Тошкент-Ўш автомобил йўлидаги янги қурилишлар, Қамчиқ ва Резак довонлари ер ости йўлининг ишга туширилиши ўзининг халқаро аҳамияти жиҳатидан алоҳида ўрин тутади. Нима деганда, бу йўл минг йиллар илгари ҳам Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган, савдо-сотиқ ва маданий, иқтисодий ҳамкорликка, халқларни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилган.

Қайта тикланаётган Буюк ипак йўлининг муҳим бўғинини жаҳон андозалари талабларига етказиш бугунги ва келажак тараққиётимиз учун беқиёс стратегик аҳамият касб этади, шу билан бирга келгусида Европа ва Форс кўрфази давлатларидан Осиёга борадиган автомобил ҳаракатларига ҳам кенг ва қулай шароит яратади.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан 1997 йилнинг баҳорида бошланган бу улуғвор қурилишнинг биринчи навбати шу йил истиқлол байрами арафасида ниҳоясига етказилди.

Тўрт ярим минг кишилик қурувчилар жамоаси 27 миллиард сўмлик иш бажаришди. Умумий узунлиги 2484 метр бўлган тўртта замонавий ер ости йўли бунёд этилди.

Яқин-яқингача Қамчиқ довонидан ўтган машаққатли тоғ йўли қишда ёпиб қўйилар, йўловчиларга ноқулайлик туғдирар эди. Бугун бунёд этилган ва таъмирланган йўллар, замонавий туннеллар қишин-ёзин манзилларни бирдек яқин қилмоқда.



Ер ости йўллари очилишига бағишланган тантанада иштирок этган Президент Ислом Каримов бундай равон йўллар мамлакат тараққиёти, халқимизнинг турмуш фаровонлигига хизмат қилишини таъкидлар экан, *“Бугунги кунда бир кеча-кундузда 17 минг автомобил, қарийб 150 минг йўловчи ўтаётган бу трансконтинентал йўл қайта тикланаётган Буюк ипак йўлининг муҳим бўғини, кўплаб халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва ҳамкорлик йўли бўлиб қолиши шубҳасиз”*, — деди.

— Йўл азоби нима эканини йўл юрган билади, — дейди тошкентлик ҳайдовчи Акром Жониқулов. — Мен иш юзасидан ҳар куни “Отчопар” бозори ёнидан ўтардим. Сир эмас, олти ой олдин мана шу тиғиз йўлда “тиқилиб” қолиб, соатлаб диққат бўлиб ўтирар эдик. Бу ҳудудда улкан кўприк қурилиши, янги йўллар очилиб, эскиларининг кенгайтирилиши ва таъмирланиши халққа катта қулайлик яратди. Яна йўлнинг четларига ям-яшил майса экиб қўйилганини қаранг, кўрган кўз қувонади. Шу савоб ишларга бош-қош бўлган Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз, умрларидан барака топсинлар!

Автомобиллар икки йўналиш бўйлаб тўрт қаторда эркин ҳаракат қиладиган янги замонавий кўприк (узунаси 248 метр), шунингдек, “Халқлар дўстлиги” шоҳ кўчасининг таъмирланиши “Отчопар” бозори ҳудудидан шаҳар гузарлари ва бошқа йўналишлар бўйича автомобил ҳаракатлари учун жуда қулай шароит яратди.

Пойтахтимизнинг Аҳмад Дониш кўчасида 1151 метр масофага чўзилган яна бир замонавий кўприк бунёд этилди ва мустақиллик байрами арафасида ишга туширилди.

Автомобиллар бирйўла олти қаторда икки томонлама ҳаракат қиладиган бу маҳобатли кўприк шаҳарнинг уч туманини ўзаро боғлайди ва транспорт қатновини тубдан яхшилаш имконини яратади.

Ўтаётган йилимизда йўлсозлар мамлакатимиздаги жами йўлларнинг 13799 километрини таъмирдан чиқаришди, саккизта янги кўприк бунёд этишди, 902 километр пиёдалар йўлкаси, 347 та янги бекатлар бунёд этишди.



## 2. Улуғ аждодларга чексиз эҳтиром ифодаси

Шу йилнинг 12 майи, муборак жума тонги ҳар биримизнинг ёдимизда. Шу куни Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида Бўзсув соҳилида бунёд этилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўн етти гектарлик кенг хиёбон, муҳташам ёдгорлик мажмуи озодлик йўлида фидо бўлган ватандошларимизнинг хотирасига муносиб мумтоз ёдгорлик бўлди. Уни бунёд этишда ишчию қурувчилар, ҳамшаҳарларимиз билан бирга кўп-кўп юртдошларимиз иштирок этишди.

Президент Ислом Каримов ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида нутқ сўзлаб, жумладан шундай деди: *“Аслида, биз қўлга киритган мустақилликнинг моҳияти ҳам ўзлигимизни англаб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, миллатимизнинг қадр-қимматини, унинг шаъни ва ғурурини тиклаб, асрий адолатни қарор топтириш ва халқимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш, демакдир”.*

Истиқлолдан сўнг улуғ аждодларимизнинг муборак таваллуд тўйларини нишонлаш, уларнинг мангулик маконини мўътабар зиёратгоҳга айлантириш анъанага айланди. Бу йил олтин кузда халқимиз фиқҳ илмининг султони бўлмиш Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлади. Риштон ва Марғилонда улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этилди.

Самарқандда эса улуғ аллома, калом илмининг султони Имом Мотуридий ҳазратлари таваллудининг 1130 йиллиги узоқ-яқиндан келган зиёратчиларнинг халқаро байрамига айланди. Шу муносабат билан қадимий Чокардиза қабристони ўрни очилиб, муборак зиёратгоҳ ва ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Ҳар иккала ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган анжуманда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.



## 3. Соғлом авлод — бизнинг






Ўтаётган йилимизда Соғлом авлод давлат дастури асосида кўп-кўп эзгу ишлар амалга оширилди. Тошкентда гинекология-акушерлик илмий-тадқиқот институтининг янги поликлиникаси, мазкур илмий-тадқиқот институтининг Нукус, Наманган, Қарши ва Жиззах минтақавий филиаллари ишга туширилди.

Андижон тиббиёт институтида янги қурилган ўқув мажмуи иш бошлади.



# ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

## бунёдкорлик ишларига бир назар

**...озодлик йилларида халқимизнинг иродаси билан тубдан ўзгарди. Ватанимизда асрий орзуларимиз ифодаси бўлган улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Тарихга айланиб бораётган асрнинг сўнгги бир йили мобайнида қилинган яратувчилик ишлари мисолида ҳам буни яққол кўришимиз мумкин.**





## 4. Фарзандлари баркамол юрт қудратли бўлади



Ҳар қандай миллат навқирон авлод қиёфасида ўз келажаги ва истиқболини кўради. Ўзбекистон халқи истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб ўз олдига буюк келажак яратишдек олий мақсадни қўйди. Шундан келиб чиқиб, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бирламчи вазифага айланди.

Шу йилнинг 2 сентябрида Президент Ислом Каримов пойтахтимизда бунёд этилган қурилиш ва миллий ҳунармандлик касб-ҳунар коллежининг очилиш маросимида иштирок этди. Бу, таълим тизимидаги ислоҳотлар ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичма-босқич амалга оширилишига давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори ифодасидир.

Мазкур коллежда 1250 нафар ўқувчи таълим олади. Улар меъморчилик, наққошлик, заргарлик ва дурадгорлик санъати, газ таъминоти устачилиги сир-асрорларини эгаллашади.

Миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган бу замонавий илм маскани қурилишига бир ярим миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ўтаётган йилимизда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги академик лицей, шунингдек, мамлакат бўйича эса 4 та академик лицей, 2 та тиббиёт, 6 та маиший хизмат, 8 та қурилиш-коммунал хўжалик, 16 та қишлоқ хўжалиги, 16 та саноат, транспорт ва алоқа, 18 та педагогика ҳамда ижтимоий, иқтисодий соҳа мутахассисларини тайёрловчи касб-ҳунар коллежлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Ўқув муассасаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида Молия вазирлиги 600 миллион сўм миқдорида маблағ ажратди ва компьютер-ўқув ускуналари билан жиҳозланган 50 та махсус синф хонаси ташкил этилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, 1998 йили ташкил топган коллежлар бу йил дастлабки мутахассисларни етиштириб чиқарди.



## 5. Мақсадимиз — тинчлик, бунёдкорлик, ҳамкорлик



Мамлакатимизда бу йил амалга оширилган яратувчилик ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Албатта, уларнинг ҳаммасини бир саҳифада акс эттириб бўлмайди. Лекин энг асосийларини санаб ўтиш ўринли.

Наврўз арафасида давлатимиз раҳбари пойтахтда бунёд этилган Банклараро молиявий хизмат марказининг муҳташам биносини бориб кўрди. Баландлиги 86 метр бўлган бу осмонўпар иншоотда молиявий ташкилотларга лизинг, суғурта, ахборот, ҳуқуқ хизмати кўрсатилади. Банклараро ўқув-ахборот маркази ҳам шу ерда фаолият кўрсатади.

Худди ўша куни Сергели шаҳарчасида Ўзбекистон - Швейцария - Германия қўшма корхонаси "Хобас-ТАПО" ҳам иш бошлади. Умумий қиймати 106,5 миллион немис маркаси миқдорида бўлган бу қўшма корхона мамлакатимиз халқ хўжалиги учун зарур нометалл қувурлар тайёрлашга ихтисослашгандир. У ҳар йили 970 километр миқдордаги нометалл қувурлар ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Металл қувурларга нисбатан арзон ва чидамли бу маҳсулот сув ва канализация тармоқлари учун бебаҳо ускуна ҳисобланади.



Бу йил Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳам ўз фаолиятини янги бинода давом эттиришга киришди.

Лойлиқ (Сариосиё)даги янги шаҳарча, Тошкент шаҳридаги "СОС - Ўзбекистон болалар маҳалласи", Зангиотадаги "Крахмал" заводи, Дўнанқалъа (Элликқалъа)да қад ростлаган темирйўлчилар шаҳарчаси, Марғилон шаҳридаги "Линекс" ўқув-компьютер маркази, Жиззахдаги олимпия заҳиралари маркази, Қўқон ва Жиззахда бунёд этилган шоирлар хиёбонлари, қатор спорт мажмуалари...

Бу улкан қурилишларнинг барчаси Юртбошимиз бошчилигида халқимиз ўзининг бунёдкорлик салоҳиятини, мамлакатимиз куч-қудратини намоён этаётганидан далолат беради.

## келажагимиз



"Она ва бола скрининги" давлат дастури асосида Тошкент, Қарши, Фарғона, Бухоро, Наманган, Термиз ва Самарқанд шаҳарларида скрининг тиббиёт марказлари ишлай бошлади.

102 та қишлоқ тиббий пункти замонавий талаблар даражасида қайта таъмирланди, 62 қишлоқда эса янги тиббий пунктлар бунёд этилди ва замонавий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланди.







**Саҳифа Президентнинг Жамоатчилик билан алоқалар бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати томонидан тайёрланди**

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

# «ПАХТАБАНК»

*Аллоҳнинг назари тушган Ўзбекистон заминида умргузаронлик қилаётган барча мўминларни мусулмонларнинг муқаддас байрами –*

**РАМАЗОН ҲАЙИТИ**

*билан самимий муборакбод этади!*

***Она-заминимизга беҳад илоҳий марҳаматлар ёғилиб турган ушбу табаррук ва қутлуғ кунларда Яратганнинг ўзи барчамизга самимий меҳр-оқибат, бағрикенглик ва тотувлик ато этиб, энг эзгу ва улуғ неъматларини биздан дариғ тутмасин!***



3638

UZMACOM

GSM

«ЎЗМАКОМ»

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ

ИЙД АЛ-ФИТР –

РАМАЗОН ҲАЙИТИ

БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

БАРЧАНГИЗГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ХОТИРЖАМЛИК, ХОНАДОНИНГИЗГА ФАЙЗУ БАРАКА ТИЛАЙМИЗ. ЮРТИМИЗ ОСМОНИ МУСАФФО, ХАЛҚЛАРИ БАХТИЁР БЎЛИБ, ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ ЁМОН КЎЗЛАРДАН АСРАСИН!

«ЎЗМАКОМ» ДОИМ ЎЗ МИЖОЗЛАРИ ҲАҚИДА ЎЙЛАЙДИ.

СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА КУТАМИЗ: ТОШКЕНТ ш., ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ шк., 8
ТЕЛЕФОНЛАР:(998 71) 100-00-15, 100-00-16, 173-00-15; ФАКС: (998 71) 100-98-98, 120-63-78.
WWW.UZMACOM.UZ

©УМ

SJG

# «СУВЖИҲОЗГАЗ»

Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини

ЯНГИ йил – 2001
аср – XXI

билан самимий муборакбод этади.

Янги йил, янги аср, янги мингйиллик Ўзбекистон учун қут-баракали келсин, Ватан янада тараққий топсин, юрт тинч бўлсин, халқ фаровонликда яшасин, келажак авлодга бахт ва саодат насиб қилсин

**“СУВЖИҲОЗГАЗ”**

**қўшма корхонаси фурсатдан фойдаланиб, тежамкорликни бугунги куннинг асосий шиори деб билган хўжаликлар, ташкилотлар ҳамда фуқароларга ўз маҳсулотларини тавсия этади.**



**Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган газ ва сув ўлчагич асбоблари Ўзбекистон давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради.**



**Улардаги:**
- *юқори сезгирлик;*
- *узоқ муддат хизмат қилиш;*
- *аниқ ўлчаш;*
- *газни ташқарига чиқармаслик;*
- *бежирим ташқи кўриниш;*
- *арзон нарх*

**каби афзалликлар юқори сифатдан далолат.**

**“Сувжиҳозгаз” харид қилинган асбобларнинг икки йил давомида бузилмасдан ишлашига кафолат беради ҳамда шу давр мобайнида носозликлар чиқиб қолса, бепул таъмирлаб беради.**

**Сизнинг тежамкорлигингиз – келажакка мадад!**



**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Чилонзор» мавзеси, 20-даҳа, 19/3-уй.**
**Тел.: 117-15-42, 117-15-54, 117-15-56.**



3626

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида

### I боб. Умумий қоидалар

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига дахлдор қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

**3-модда. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг асосий принциплари**

Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

ихтиёрийлик;
тенглик;
ошкоралик;
ҳамма учун очиқлик;
эркин фикр билдириш.

**4-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчилари**

Фуқаролар, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчилари бўлишлари мумкин.

2

---

ва почта манзили кўрсатилади. Қонун лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазалар имзоланган бўлиши керак.

Қонун лойиҳаси юзасидан белгиланган тартибда киритилган таклиф ва мулоҳазалар кўриб чиқилиши шарт. Таклиф ва мулоҳазаларни қабул қилиб олишни рад этиш тақиқланади.

Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазалари тавсия ва маслаҳат хусусиятига эга бўлади.

**20-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси бўлиб ўтадиган тил**

Фуқаролар қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларини давлат тилида ёки ўзлари билган исталган бошқа тилда киритишга ҳақлидирлар.

### IV боб. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш

**21-модда. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш**

Фуқаролар, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидан умумхалқ муҳокамаси давомида қонун лойиҳаси юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

**22-модда. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазаларини умумлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирадилар ҳамда қонун лойиҳаларини маромига етказадилар.

**23-модда. Шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳисобга олиш**

Қонун лойиҳаларини маромига етказиш пайтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари,

7

Буклаш чизиғи — Қирқиш чизиғи

---

роларнинг иштирок этиши ихтиёрийдир.

Фуқароларни қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишга мажбурлаш тақиқланади.

**8-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишда фуқаролар тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

**9-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ўтказишда ошкоралик**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси ошкора ўтади ва оммавий тусга эга бўлади.

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

**10-модда. Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг ҳамма учун очиқлиги**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси унинг ҳамма иштирокчилари учун очиқ бўлиши керак.

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишга ҳеч ким монелик қилишга ҳақли эмас.

**11-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида фуқароларнинг эркин фикр билдириш ҳуқуқи**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида фуқаролар қонун лойиҳалари бўйича ўз фикрини эркин билдириш ҳуқуқига эга.

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида ҳеч ким қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикрини билдиришга мажбур қилиниши мумкин эмас.

### III боб. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш

**12-модда. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш ташаббуси**

Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш ташаббуси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган

4

---

органлар ва шахсларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссияларига тегишлидир.

**13-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини тайинлаш**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки унинг Кенгаши қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси жараёнида тушадиган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ишларини ташкил этиш муддати ва тартибини белгилайди.

**14-модда. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилиш**

Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси учун “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталарида, уларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш ҳақида қарор қабул қилинганидан кейин ўн кундан кечиктирмай эълон этилади. Улар махсус нашрларда, бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам чоп қилиниши мумкин.

**15-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ўтказиш бўйича ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари:

қонун лойиҳалари юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб борадилар;

тушаётган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирадилар, ўрганиб чиқадилар ва таҳлил этадилар;

таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб чиқиш ва таҳлил этишга экспертлар, мутахассислар ва олимларни жалб қиладилар;

қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси бўйича семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари уюштирадилар;

таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қонун лойиҳаларини маромига етказадилар;

қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вако-

5

Қирқиш чизиғи


«СОВПЛАСТИТАЛ»

ЎЗБЕКИСТОН-ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбек халқини мусулмонларнинг муқаддас байрами – Рамазон ҳайити билан муборакбод этади!

*Шу қутлуғ айёмда Ўзбекистондаги ҳар бир оилага тинчлик, хотиржамлик, оқибатлилик тилайди!*

*Доимо бахтли ва саодатли бўлинглар!*

«СОВПЛАСТИТАЛ» ҲАР ДОИМ СИЗ БИЛАН БИРГА!





Алоқа соҳасида жаҳонда 70 йил мобайнида етакчилик қилиб келаётган MOTOROLA компанияси эндиликда Ўзбекистонда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

MOTOROLA компанияси ўзбек диёрининг қадимий тарихи, бой маданий мероси ва ҳозирги иқтисодий ютуқларини юқори баҳолайди ва яқин келажакда Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрни янада юксалишига ишонади.

**Биз Ўзбекистон халқини мусулмонларнинг муқаддас байрами – РАМАЗОН ҲАЙИТИ ва яқинлашиб келаётган ЯНГИ – 2001 ЙИЛ билан муборакбод этамиз.**

**Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, юртингизга тинчлик ва барқарорлик тилаймиз!**

MOTOROLA

UJB

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

«ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК»
жамоаси

Сизни қутлуғ РАМАЗОН ҲАЙИТИ
байрами ва кириб келаётган
ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ АСР —
ЯНГИ МИНГЙИЛЛИК билан
чин юракдан табриклайди!

Янги йилда Сизга сиҳат-саломатлик,
бошингиз узра мусаффо осмон,
оилангизга бахт-саодат ва
ишларингизда чексиз омадлар
тилаймиз.

Ўз келажагингизни биз билан қуринг!

Маълумот учун телефонлар:
(998-71) 133-11-12, факс: (998-71) 133-30-89.
uzjbasu@online.ru

www.uzjsb.com

РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ —

«ҒАЛЛАБАНК»

барча юртдошларимизни, акциядорлари ҳамда мижозларини
ИЙД АЛ-ФИТР – РАМАЗОН ҲАЙИТИ, ЯНГИ ЙИЛ ВА ЯНГИ АСР БИЛАН
САМИМИЙ МУБОРАКБОД
ЭТАДИ.

*Кириб келаётган Янги йил ва
янги мингйилликда ҳаммангизга
Яратгандан оилавий бахт,
тинчлик-тотувлик, хонадонингизга
файзу барака ва барча хайрли орзу-
ниятларингиз рўёбга чиқишини тилаб қоламиз.*

3057



# Кўнгилларда бир олам қувонч

*Касаба уюшмаларининг «Тадбиркор» спорт-соғломлаштириш маркази шу кунларда пойтахт болаларининг ажойибу ғаройиб эртаклар мамлакатига мароқли саёҳатларини уюштирмоқда. Куни кеча 21-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Юнусобод теннис кортида минг бир тусда жилоланиб турган арча атрофига тўпланишди. Севимли эртаклар асосида саҳналаштирилган ажойиб томошалар кўрсатишди. Цирк артистлари, ёш акробатчилар, илон ўргатувчиларнинг чиқишлари ҳам болаларда катта таассурот қолдирди. Қорбобо кичкинтойларни бургут парвози баландлигидан Тошкент манзараларини томоша қилишга таклиф этди. Тезкор лифтлар уларни телеминоранинг саккизинчи қаватидаги айланма айвонга олиб чиқиб қўйди. Она шаҳар манзараларини мириқиб кўздан кечираётган болакайларни чаққон амакилари ва опоқилар турли ширинликлар, қайноқ чойлар билан сийлашди. Қорбобо эса уларга янги йил совғалари улашди.*

*— Минг йилликлар алмашинаётган шу улуғ кунларда биз етим-есирлар, камхарж хонадонларнинг фарзандлари бошини силаб, улар учун арча байрамлари ўтказмоқдамиз, — деди Ўзбекистон Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг раиси Чори Шодиев. — Фарзандларимизнинг қишги таътилини кўнгилли ташкил этишга беминнат кўмаклашаётган теннис корти маъмуриятидан миннатдормиз.*

*«Тадбиркор-спорт» маркази бу хайрия арча байрамларига ҳар куни тўрт юзтагача ногирон болалар ва етим-есирларни таклиф қилмоқда. Мактаб ўқувчилари учун оммавий-маданий тадбирлар дастурида, шунингдек, болаларни Чимён тоғи этакларига экскурсия қилдириш, чанғи сайллари ҳам кўзда тутилган.*

**Жўрабек МУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** арча байрамидан лавҳалар.

**Владимир ПОРТНОВ олган сурат.**


ALP JAMOL BANK

*Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!*

**АЛП-ЖАМОЛ БАНК**

**ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

*Сизларни қутлуғ айём —*

*РАМАЗОН ҲАЙИТИ*

*ҳамда кириб келаётган*

*ЯНГИ — 2001 ЙИЛ ВА ЯНГИ АСР*

*билан самимий муборакбод этади.*

*Сизларга мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик ва барча эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди. Ҳеч қачон хонадонингизни қут-барака, шоду хуррамлик ва меҳр-оқибат тарк этмасин! Ватан равнақи йўлидаги хайрли ишларингизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!*

Банк манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, М.К.Отатурк кўчаси, 21-уй.
Телефонлар: (3712) 132-16-00, 132-16-01, 132-16-02

3652


**• Ҳикмат**

*Ўқиган ўқдан ошар, ўқимаган турткидан шошар.*

ТЕЛЕФОНДА АЙТИЛГАН ЛАТИФА



Ўғил отасининг ишхонасига келди. Қўшни хонадан эркакларинг овози эшитиларди:

«Яна 150 грамм қўш, етарли бўлади».

— Дада, ишхонангизда Янги йилни бошлаб юборишибди-ку.

— Улар ичишаётгани йўқ. Штанга кўтаришни машқ қилишяпти.

**• Жумбоқ**

— Қишлоқда бир нечта парранда боқаман, — деб ҳикоя қилди Пўлат. — Иккитасидан бошқа бари ўрдак, иккитасидан бошқа ҳаммаси — жўжа ва иккитасидан ташқари ҳаммаси ғоз. Менда нечта парранда бор, топингчи?»



***Жавобларни 136-35-60 рақамли телефонига 29 декабрда хабар қилинг.***

Ўтган сондаги жумбоқнинг жавоби:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 89 | 06 | 91 | 60 | 18 |
| 90 | 68 | 19 | 86 | 01 |
| 16 | 81 | 0 | 98 | 69 |
| 08 | 99 | 66 | 11 | 80 |
| 61 | 10 | 88 | 09 | 96 |


ЎЗБЕК ХАЛҚАРО БАНКИ —

**«ЎЗПРИВАТБАНК»**

*Сизнинг миллий ва чет эл валюталаридаги пул маблағларингизни турли муддатлар давомида сақланадиган омонатларга жойлаштиришни таклиф этади.*

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР ТУРЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:**

| | йилига тўланадиган фоиз |
|---|---|
| Талаб қилиб олингунча омонати | 12% |
| Жамғарма омонати | 16% |
| Муддатли омонатлар: | |
| 3 ойгача | 26% |
| 6 ойгача | 30% |
| 1 йилгача | 35% |
| 3 йилгача | 40% |
| 5 йилгача | 45% |

**ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАЛАРИДАГИ ОМОНАТЛАР ТУРЛАРИ:**

| | йилига тўланадиган фоиз |
|---|---|
| Талаб қилиб олингунча омонати | 4,5% |
| Жамғарма омонати | 4,75% |
| Муддатли омонатлар: | |
| 1 йилгача | 5% |
| 1 йилдан узоқ муддатгача | 5,5% |

*«Ўзприватбанк» - Сизнинг ишончли ҳамкорингиз.*

Маълумот учун телефонлар: 1391442, 1391018, 1206308.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 51.

3643




## Уммон тубидаги никоҳ

Мексикада икки ёш никоҳдан ўтиш учун шаҳардаги бахт уйларидан бирини эмас, балки Кариб денгизи қаърини танлашди. 12 метр чуқурликда ўтказилган ушбу маросимда 40 киши ҳозир бўлди. Бу тадбир Геннеснинг рекордлар китобидан жой олди.



## Бир ҳовуч ерёнғоқ эвазига...

Калифорниядаги истироҳат боғи маъмурияти талабгорлар учун янги хизмат турини — филлар ёрдамида автомобил ювишни тавсия этди.

Бу антиқа юмушни Жуди лақабли ҳинд фили амалга оширмоқда. У хартуми орқали 30 литр сувни автомобилга сепади, сўнгра эса латта билан артиб ҳам қўяди. Жудининг иши сифатли бўлиши билан бир қаторда арзон ҳам — бир ҳовуч ерёнғоқ эвазига машинангизни топ-тоза қилиб қўяди.



## Минора ҳам ўсади

Франциянинг фахри ҳисобланган машҳур Эйфел минораси бир неча ой давом этган таъмирлаш ишларидан кейин беш метрга ўсди. Энди миноранинг баландлиги 324 метрни ташкил этмоқда.


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

*Кунига 24 соат ва ҳафтасига 7 кун*

автоматлаштирилган компьютер тизимидан фойдаланиб, реал давр шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича банк хизматларининг ишончли ва қулай турини таклиф этади.

**«БАНК-МИЖОЗ»**

**деб аталган масофадан хизмат кўрсатиш тизими**

**уйдан ёки офисдан чиқмай туриб, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ўз ҳисобварақларингиз ҳолати, улар бўйича кирим ва чиқим тўловлари тўғрисида батафсил маълумот олиш, банкнинг тегишли хизматлари билан амалий ёзишмаларни юритиш имкониятини таъминлайди.**

NBU

Янги хизмат тавсифи билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан маслаҳатни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: (99871) 137-59-37, 137-59-60

*Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки пулларингизнинг сақланиши ва даромадлилигига кафолат беради.*

3539



«Kaloodi Groud of Companies LTD» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонасига Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан Давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги 1996 йил 29 ноябрда берилган №002521 сонли гувоҳнома бекор қилинади.


«Ozdastgohasbobuskunasavdo» ОАЖ жамоаси бош директорнинг биринчи муовини **Собиржон ЭРГАШЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 1115.
18120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда оператор **Ж. ТОҒАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **М. САФАРОВ.**
Навбатчи — **О. РАЖАБОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди 22.10*
1 2 3 4 5 6